ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA’LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

Jurnal OAK Rayosatining 2022-yil 30-sentabrdagi 325/6-son qarori bilan filologiya fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrlar ro‘yxatiga kiritilgan

2021-yildan buyon nashr etiladi

2024/ № 11

Termiz – 2024

Muassis:
Termiz davlat universiteti

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

ILMIY-INNOVATSION JURNAL

O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Administratsiyasi huzuridagi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi tomonidan 2020 yil 19 oktyabrda 1122 raqami bilan ro'yxatga olingan.

Matnlarda foydalanilgan misol, ko'chirma va ma'lumotlar aniqligi uchun mualliflar javobgardir. Jurnaldan ko'chirib bosilganda manba qayd etilishi shart.

Bosishga ruxsat etildi: 28.11.2024
Qog'oz bichimi: 70x85
Bosma tabog'i: 5.94
Ofset bosma. Ofset qog'ozi
Adadi: 100
Bahosi kelishilgan narxda
Buyurtma: 155-son

«TerDU bosmaxonasi»da chop etildi
Termiz shahri,
Barkamol avlod ko'chasi, 43-uy

Tahririyat manzili:
190111, Termiz shahri,
Barkamol avlod ko'chasi, 43.
Telefon: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz
Rasmiy sayt:
www.philologicalresearch.uz

BOSH MUHARRIR:
Abduqodir TOSHQULOV,
iqtisod fanlari doktori, professor

TAHRIR HAY'ATI:

Bekpo'lat Umurqulov, *filologiya fanlari doktori, professor (bosh muharrir o'rinbosari)*
Shoxista Maxmaraimova, *filologiya fanlari doktori, professor (mas'ul muharrir)*
O'ral Xoliyorov, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (O'zbekiston)*
Olmos Ulviy Binnatova, *f.f.d., professor (Ozarbayjon)*
Karl Rayxl, *f.f.d., professor (Germaniya)*
Vali Savash yelok, *f.f.d., professor (Turkiya)*
Dorota Silviya, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (Polsha)*
Muslihiddin Muhiddinov, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Ibodulla Mirzayev, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Abdi Mamatov *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Suyun Karimov *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Muhammadxon Hakimov, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Nafas Shodmonov *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Dilmurod Quronov, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Murodqosim Abdiyev, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Baxtiyor Mengliyev, *f.f.d., professor (O'zbekiston)*
Normat Yo'ldoshev, *f.f.d., dotsent (O'zbekiston)*
Abdulla Xudoyqulov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Bobonazar Murtazayev, *f.f.n., dotsent (O'zbekiston)*
Asqar Eshmo'minov, *f.f.d., dotsent (O'zbekiston)*
Obidjon Shofiyev, *f.f.f.d. (PhD), dotsent (O'zbekiston)*
Zafar Umurqulov, *f.f.f.d., dotsent, (PhD) (O'zbekiston)*
Nurali Amonturdiyev, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Hakim Ahmedov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Ahad Shukurov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Eshnazar Jabborov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Abdumurod Arslonov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Sirojiddin Turdimurodov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Umida Raximova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Gulchehra Begmatova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Nargis Qurbonazarova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Muyassar Xolova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Shoira Omonturdiyeva, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Sherzod Turdiqulov, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Zaynura Qodirova, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Humayun Nadim Muhammad, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*
Dilrabo Ergasheva, *f.f.f.d. (PhD) (O'zbekiston)*

Texnik muharrir: Bahodir To'raliyev

Учредитель:
Термезский государственный университет

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM
ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

НАУЧНО-ИННОВАЦИОННЫЙ ЖУРНАЛ

Зарегистрировано Агентством информации и массовых коммуникаций при Администрации Президента Республики Узбекистан от 19 октября 2020 года под номером 1122.

Авторы несут ответственность за точность приведенных в текстах примеров, отрывков и данных. Необходимо указывать источник при копировании из журнала.

Разрешено к печати: 28.11.2024
Размер бумаги; 70x85
Печатный лист: 5.94
Офсетная печать: Офсетная бумага
Тираж: 100
Цена договорная
Заказ: 155
Печатано в «Типографии ТерГУ»
ул. Баркамол авлод 43, г. Термез

Адрес редакции:
190111, г.Термез, ул. Баркамол авлод, 43.
Телефон: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Официальный сайт:
www.philologicalresearch.uz

ГЛАВНЫЙ РЕДАКТОР:
Абдукадир ТАШКУЛОВ,
доктор экономических наук, профессор

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ:

Бекпулат Умуркулов, *доктор филологических наук, профессор (зам. главного редактора)*
Шохиста Махмараимова, *доктор филологических наук, профессор (ответственный редактор)*
Урал Холияров, *ф.ф.ф.д. (PhD), доцент (Узбекистан)*
Олмос Улвий Биннатова, *д.ф.н., профессор (Азербайджан)*
Карл Райхл, *д.ф.н., профессор (Германия)*
Вали Саваш Елок, *д.ф.н., профессор (Турция)*
Дорота Сильвия, *PhD, доцент (Польша)*
Муслихиддин Мухиддинов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Ибодулла Мирзаев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Абди Маматов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Суюн Каримов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Мухаммадхон Хакимов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Нафас Шодмонов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Дилмурод Куронов, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Мурадкасим Абдиев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Бахтиёр Менглиев, *д.ф.н., профессор (Узбекистан)*
Нормат Юлдашев, *д.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Абдулла Худайкулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Бобоназар Муртазаев, *ф.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Аскар Эшмуминов, *д.ф.н., доцент (Узбекистан)*
Обиджон Шофиев, *д.ф.ф.н. (PhD), доцент (Узбекистан)*
Зафар Умуркулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Нурали Амонтурдиев, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Хаким Ахмедов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Ахад Шукуров, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Эшназар Джаббаров, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Абдумурод Арслонов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Сирожиддин Турдимуродов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Умида Рахимова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Гульчехра Бегматова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Наргис Курбаназарова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Муяссар Холова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Шаира Амонтурдиева, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Шерзад Турдикулов, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Зайнура Кадирова, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Хумаюн Надим Мухаммад, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*
Дильрабо Эргашева, *д.ф.ф.н. (PhD) (Узбекистан)*

Технический редактор: Баходир Туралиев

Institutor:
Termez State University

PHILOLOGICAL RESEARCH: LANGUAGE, LITERATURE, EDUCATION

FILOLOGIK TADQIQOTLAR: TIL, ADABIYOT, TA'LIM

ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ: ЯЗЫК, ЛИТЕРАТУРА, ОБРАЗОВАНИЕ

SCIENTIFIC-INNOVATIONAL JOURNAL

Registered by the Agency for Information and Mass Communications under the President`s Administration of the of the Republic of Uzbekistan on October 19, 2020 under number 1122.

The authors are responsible for the accuracy of the examples, passages and data provided in the texts. The source must be specified when copying from the journal.

Approved for printing: 28.11.2024
Size of the paper: 70x85
Printed sheet: 5.94
Offset printing. Offset paper
Circulation: 100
Price is negotiable
Order: 155

Printed at the
«Printing House of the TerSU»
43, Barkamol avlod str. Termez city.

Address of Editorial Office:
190111, Barkamol avlod str., 43,
Termez city.
Phone: +998762231649

E-mail:
philologicalresearch@umail.uz

Official website:
www.philologicalresearch.uz

EDITOR IN-CHIEF:
Abdukodir TASHKULOV, doctor of economic sciences, professor

EDITORIAL BOARD:

Bekpulat Umurkulov, *doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (deputy chief editor)*
Shohista Makhmaraimova, *doctor of philological sciences, professor (Uzbekistan) (editor-in-chief)*
Ural Kholiyorov, *PhD, associate professor (Uzbekistan)*
Olmos Ulviy Binnatova, *doct.of philol. sciences, professor (Azerbaijan)*
Karl Rayxl, *doct.of philol. sciences, professor (Germany)*
Vali Salvash Elok, *doct. of philol. sciences, professor (Turkey)*
Dorota Silvia, *PhD, associate professor (Poland)*
Muslihiddin Mukhiddinov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Ibodulla Mirzaev, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Abdi Mmatov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Suyun Karimov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Muhammadkhon Khakimov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Nafas Shodmonov, *doct.of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Dilmurod Kuronov, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Muradkasim Abdiyev, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Bakhtiyor Mengliev, *doct. of philol. sciences, professor (Uzbekistan)*
Normat Yuldashev, *doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Abdulla Khudaykulov, *PhD (Uzbekistan)*
Bobonazar Murtazaev, *cand.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Askar Eshmuminov, *doct.of philol. sciences, associate professor (Uzbekistan)*
Obidjon Shofiev, *PhD, associate professor (Uzbekistan)*
Zafar Umurkulov, *PhD (Uzbekistan)*
Nurali Amonturdiev, *PhD (Uzbekistan)*
Hakim Akhmedov, *PhD (Uzbekistan)*
Ahad Shukurov, *PhD (Uzbekistan)*
Eshnazar Jabbarov, *PhD (Uzbekistan)*
Abdumurod Arslonov, *PhD (Uzbekistan)*
Sirojiddin Turdimurodov, *PhD (Uzbekistan)*
Umida Rakhimova, *PhD (Uzbekistan)*
Gulchekhra Begmatova, *PhD (Uzbekistan)*
Nargis Kurbanazarova, *PhD (Uzbekistan)*
Muyassar Kholova, *PhD (Uzbekistan)*
Shoira Omonturdiyeva, *PhD (Uzbekistan)*
Sherzod Turdikulov, *PhD (Uzbekistan)*
Zaynura Kadirova, *PhD (Uzbekistan)*
Humayun Nadim Muhammad, *PhD (Uzbekistan)*
Dilrabo Ergashova, *PhD (Uzbekistan)*

Technical editor: Bakhodir Turaliyev

МУНДАРИЖА

TILSHUNOSLIK

AMANOV ABDIJABBOR SATTAROVICH
Murakkab sintaktik tuzilmalar haqida 7

УСМОНОВА ШАҲОДАТ
Газета дискурсида таржима масаласи: Трансформацион таҳлил 11

XOLNAZAROV UMID ERKINOVICH
Tog‘ay Murod uslubiy bayonida antropomorf metaforalarning voqelanishi 16

BABAXANOVA DILAROM AXMATXANOVNA
Tilning mohiyati va vazifalarini yuzaga keltirishda uslubiyatning o‘rni 19

ИБАТОВА АМИРА ШАВКАТОВНА
Лексика – тилдаги барча сўзларнинг йиғиндиси 23

NABIYEVA RUSHANA JAMOL QIZI
O‘zbek tilidagi yangi oziq-ovqat o‘zlashmalarining leksikografik tavsifi masalalari:
Muammo va vazifalar 26

NABIYEVA PARVINA AKBARJANOVNA
Jahon tilshunosligida tezaurus tushunchasi va uning tadqiqi 30

MUXAMMADIYEV NODIR RUSTAMZODA
Qashqadaryo viloyati o‘zbek shevalariga fors-tojik
va arab tillaridan o‘zlashgan so‘zlar tahlili 35

ASATULLAYEVA DILNAVOZ JONDULLAYEVNA
Morfonologik hodisalar va ularning Buxoro viloyati o‘g‘uz shevalarida uchrashi 39

ABDULLAJONOVA MADINA TO‘LANBOY QIZI
Yozma nutq shakllanishi va rivojlanishining psixolingvistik tahlili 42

NAZARMATOVA KUMUSH FARHODOVNA
O‘zbek tilida komplimentlarning lingvopragmatik tahlili
(O‘. Hoshimovning «Ikki eshik orasi» asari misolida) 46

MUHSINJONOVA SHIRINOY ASLIDDIN QIZI
«Devonu lug‘otit-turk» asarida qo‘llangan taom nomlarining qiyosiy tadqiqi 50

MUKUMOV MAKHMUD KHUDAYBERDIEVICH
Lexical composition of scientific prose 53

НАТАЛЬЯ БАЗАРОВНА РАДЖАПОВА
Гендерная лексика в туркменском языке 56

МУНДАРИЖА

ТОЙЧИЕВА НАСИБАХОН СУРАНБАЕВНА
Сходства и различия в процессе формирования терминологии
бытовой лексики в узбекском и русском языках 58

BOBOMUROTOV FARRUKH,
DAVLYATOVA ELVIRA MURATOVNA
The problems of reconstruction aphoristic prose of e. M. Remarque in uzbek translations..... 64

НАЗАРОВА МАНЗУРА НАСРУЛЛАЕВНА,
БАХТИЁРОВ ШОХЖАХОН
Роль речи в развитии мышления..... 68

QAHRAMONOV ISLOM BOTIR O‘G‘LI
DAVLYATOVA ELVIRA MURADOVNA
The problems of thematic classification of
military terms in english and uzbek languages..... 71

ADABIYOTSHUNOSLIK

АБДУЛЛАЕВ МУҲАММАД ҲАМЗАЕВИЧ
Убайдий ва шайх Саъдий..... 75

МУСТАФОҚУЛОВ РЎЗИҚУЛ БОЙНАЗАРОВИЧ
Мангу барҳаёт сиймо..... 78

ТОИРОВА ДИЛФУЗА ФАЙЗУЛЛАЕВНА
Эстетика запада и востока в творчестве Гюстава Флобера..... 83

TAJIBAYEVA DILFUZA ERKINOVNA
Poetik timsol yaratishda oq rang tasviri 86

МУСИНОВА ЗЕБО ТУРАБОВНА
Разоблачение роковых последствий в историческом
Романе эжена сю «жан кавалье» 88

MANSUROVA UMIDAXON IBROHIMOVNA
Badiiy asarda biografik tasvirning o‘rni 92

BOYMURATOVA NARGIZA BOZORBOYEVNA
Tasavvufiy timsollar va she’riyat 96

NAZAROVA NAMUNA ABDUMAJITOVNA
Sirojiddin Sayyid ijodidan bir g‘azal tahlili..... 98

Filologik tadqiqotlar: til, adabiyot, ta'lim. 2024; 11
ISNN: 2181-1741 (Print)
ISNN: 2181-1725

ГАЗЕТА ДИСКУРСИДА ТАРЖИМА МАСАЛАСИ: ТРАНСФОРМАЦИОН ТАҲЛИЛ

Усмонова Шаҳодат,
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети инглиз тили назарий фанлар кафедраси доценти, филология фанлари бўйича фалсафа доктори

XXI асрда ахборот маконидаги глобал ўзгаришлар журналист ва тадқиқотчилар олдига янги вазифаларни қўймоқда. Қолаверса, вақт ва макон доирасида шиддат билан тарқалаётган янгиликлар оқими ўзининг чексизлиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий ва бошқа соҳалардаги ўзгаришлар «жамият кўзгуси» сифатида эътироф этилган ОАВ орқали оммавий аудиторияга турли каналлар ва усуллар орқали етказилмоқда.

Умуман, ахборот ҳақидаги таҳлилни мавзуимиз доирасида кўриб чиқиш учун филология фанлари доктори М. Худойқулов фикрига эътибор қаратамиз. Олим ахборотларни турларга бўлади: «Инсон оладиган ахборотларнинг турлари ҳам бизни ўраб олган олам каби хилма-хилдир. Инсон оддий, кундалик турмуш ахборотидан ташқари маълум тартибга солинган ахборотлар орқали ҳам иш кўради. Буларга таълим-тарбиявий ахборотлар, касбий ахборотлар, илмий ахборотлар, иқтисодий ахборотлар, бадиий-эстетик ахборотлар ва бошқалар киради». Шунингдек, олим «Ахборот бу – асраш, узатиш, ўзгартириш объекти бўлиб хизмат қилувчи маълумотлардир», деб таъкидлайди[1].

Айтиш жоизки, аудиториянинг ахборотни қандай қабул қилиши уни узатишда қайси ахборот воситаларидан фойдаланилаётганлигига ҳам боғлиқ. Ҳар бир ахборот воситаси ўзига хос тил ва маълумотни долзарблаштириш услубларидан фойдалангани ҳолда, унинг табиатини шакллантиради, бу эса, ўз навбатида, кишининг борлиқ ҳақидаги фикр-мулоҳазаларига таъсир этади.

Ахборотни тақдим этишнинг энг муҳим шаклларидан бири – матндир. Дарҳақиқат, шиддат билан ривожланиб бораётган матбуот, радио, телевидение ва интернетнинг тили бу медиаматн ҳисобланади.

Юқорида келтирилганлардан келиб чиқиб, матн – турли маъноларни ифодалаш билан бирга янги маъноларни яратиш, яъни креатив-яратувчанлик функциясига ҳам эга, деган фикрга келамиз. Зеро, бундай матнлар «...умумбашарий миқёсда муҳим маданий қимматга молик. Уларда ҳар қандай ўқувчи ўзи учун бирор янгиликни излаб топа олиш мумкин»[2].

Ахборот оқимининг таркибий қисми таҳлили барча медиаконтент ёки медиаматнларнинг табиий равишда ташкил этиладиган барқарор тематик тузилмалари мавжудлигини кўрсатади.

Таъкидлаш ўринлики, оммавий ахборот воситалари турғун медиа мавзулар тизими ёрдамида дунёнинг лисоний манзарасини ўзгартиради. Шу билан бирга, сиёсат, бизнес, спорт, маданият, обҳаво, хорижий ва маҳаллий янгиликларни мунтазам равишда динамик ўзгарувчанлигини тартибга солади.

Инглиз ва ўзбек газеталаридаги хабарлар матнининг бир-бирига ўхшашлиги кузатилади. Таркибий тузилма: headline – сарлавҳа; lead – яъни лид янгиликларнинг энг муҳим қисми; slugline – бу сўзлар ёки рақамларнинг бирикмаси; dateline – бу воқеа қаерда ва қачон содир бўлганлиги ҳақида қисқача маълумот берувчи далиллар; source – ахборот манбасининг кўрсатилиши; background – тарихий ёки статистик маълумотларни етказиш. Инглиз тилидаги газеталардан мисоллар келтирамиз: «*The Federal Reserve signaled that it would begin steadily raising interest rates in mid-March, its latest move toward removing stimulus to bring down inflation»* (The Wall Street Journal. 22.01.2022). Ушбу қисқача янгиликда «*Federal Reserve*нинг март ойининг ўрталарида фоиз ставкаларини барқарор равишда оширишни бошлашини кўрсатиши, бу инфляцияни пасайтириш учун рағбат-

[1] Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Тошкент: Тафаккур, 2011. – Б. 5-9.

[2] Мельник Г.С, Тепяшина А.Н. Основы творческой деятельности журналиста. – М., Питер., 2006. – С. 37.

лантирувчи омилларни олиб ташлашга қаратилган сўнгги қадам эканлиги»га ишора қилинган. Яна бир мисол*: «The WTO authorized China to impose retaliatory tariffs worth $645 million on imports from the U.S. in a decade – old dispute»* (The Wall Street Journal. 22.01.2022). Жаҳон Савдо Ташкилоти (WTO) ўн йил давом этган баҳс-мунозарадан сўнг Хитойга АҚШдан импорт қилинадиган маҳсулотларга 645 миллион долларлик тарифларни жорий этишга рухсат берганлиги ҳақидаги фактик маълумот икки давлат ўртасидаги ишончли ҳамкорлик йўлга қўйилаётганини билдиради. Демак, хабар матнининг таркибий тузилмаси ўз вазифасини бажарган. Ўзбек тилидаги газета матнларида ҳам қисқа хабарлар асосан далиллар билан ифодаланади: *«Ўзбекистонда камбағаллик даражаси 17 фоиздан 14 фоизга камайтирилди. Янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Йил давомида икки юз мингга яқин тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, 10 мингта корхонанинг фаолияти кенгаштирилди ва 11 мингта корхонанинг қуввати тикланди».* «Ўзбекистон ўз тажрибаси билан дунёга намуна бўляпти» сарлавҳаси остида «Жамият» ижтимоий-сиёсий газетасининг 2023 йилнинг 20 май кунидаги 20-сонида тарқатилган ушбу хабар аниқ мисолларга таянилади.

Жамият ҳаётини акс эттириш, уни билиш ҳамда тадқиқ этиш ва унга қайтадан таъсир кўрсатиш воситаси бўлган газета ўзига хос хусусиятларга эга бўлган ижтимоий ҳодиса бўлиб, ўз фаолиятида маълум ички-объектив қонуниятлар асосида иш кўради. Бу қонуниятлар газета тараққиётида муҳим аҳамият касб этади. Газета, журналистика ва публицистика бир-бири билан узвий боғлиқ ҳодисалар бўлиб, газета публицистика воситаси билан иш кўрса, ўз навбатида, публицистика газета фаолияти орқали намоён бўлади[1].

Газета тилининг тадқиқи унинг функционал-коммуникатив мавқеини, лингво-услубий хусусиятларини ўрганишни ҳам тақозо этади. Унинг услубий мавқеини аниқлашдаги асосий мезонлар функционал услуб ва унинг хусусиятлари таърифида ўз аксини топган. «Ҳар қандай функционал услуб учун анъанавий сўз қўллаш, муайян лисоний ҳодисаларнинг доимийлигига хосдир»[2].

ОАВ тилидаги услубшунослик билан боғлиқ фаол жараёнлар тилнинг ижтимоий вазифаларини кенгайтиради. Бунга давлат тили, деб тан олинган ўзбек тили мисолида ҳам ишонч ҳосил қилишимиз мумкин. ОАВ туфайли давлат тили расмий, миллий ва адабий тил хусусиятларини ўз ичига қамраб олган ва «ўзбек тили ўз хизмат доирасини кенгайтириб, юртимизда миллатлараро алоқа воситасини ҳам ўтамоқда»[3].

Ахборотларни тарқатишда муаллифлар журналистиканинг, баъзи мутахассислар таъбирича, публицистиканинг турли жанрларидан фойдаланадилар. Шу ўринда таъкидланган публицистика ва журналистика истилоҳларининг жанрлар билан бирга қўлланилишидаги ҳар хилликларга ҳам тўхталсак. Тилшунослар О.Тоғаев, М.Худойқуловлар жанрларни умумий номлаганда «публицистика жанрлари» сифатида қўллайдилар[4].

Дарҳақиқат, публицистик жанрлар орасида газета тадқиқот учун услубий жиҳатдан ҳар томонлама қулай ҳисобланади. Медиадискурс типологияси, оммавий коммуникация матнларининг жанрларга кўра таснифи, матнларнинг асосий турлари (янгиликлар, ахборий, таҳлилий, шарҳ, публицистика, реклама)ни фарқлаш имконини беради. Олимлар бу турдаги публицистик матнларни турли ракурсларда тадқиқ этиб келишаётгани, унинг универсал ва яхлит матн эканлигидан далолатдир. Ушбу мақолада биз газета дискурсининг таржима жараёнини амалга оширишдаги трансформацион таҳлилига тўхталиб ўтамиз. Газета дискурсини таржима қилиш турли маданиятлар ва тилларда оммавий аудиториянинг янгиликларни қандай қабул қилиши ва идрок этишида муҳим ўрин тутади. Умуман олганда, таржима нафақат лингвистик трансформацияни амалга ошириш, балки асл матн моҳиятини маданий, сиёсий ва ижтимоий контекстларга мослаштириш каби мураккаб ҳодисани ҳам ўз ичига олади.

Таржимада трансформацион модель сўзма-сўз таржима қилиш ва муқобил жумлаларни мослаштиришдан воз кечади. Бу модель аудитория учун асл матннинг мақсади, услуби ва таъсирини сақлаб қолишни таъминлаб беради. Transediting тушунчаси эса – таржима ва таҳририни бирлаштирирувчи ёндашув бўлиб, таржимон бу жараёнда икки ҳисса ишлайди, матнни таржима қилади ва уни адабий таҳрирдан ўтказади.

Тилшунослик ва таржимашуносликда таржима трансформациялари – энг фаол ўрганилган ҳодисалар сирасига киради. Олимлар томонидан таржима трансформациялари турларининг ўзгарувчанлиги кўплаб мунозаралар олиб боришга ундамоқда. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш лозимки,

[1] Худойқулов М. Журналистика ва публицистика. – Тошкент: Тафаккур, 2011. – Б. 6.

[2] Лингвистический энциклопедический словарь / Под ред. В.Н. Ярцева. – М., 1990.

[3] Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида): Филол.ф. д-ри... дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 62.

[4] Абдуазизов А. Истиқлол ва давлат тилининг истиқболи. – Тошкент: Университет, 1999. – Б.18-19.

таржимоннинг вазифаси бу жараёнда нафақат грамматик, лексик, семантик, мантиқий ва маъно хусусиятларига эътибор қаратиш, балки муаллиф ғояси ва матн мазмунини сақлаб қолишга ҳаракат қилиши лозим.

Биэлса ва Басснеттнинг фикрига кўра, матнларни таржима қилиш унинг мазмунига сезиларли даражада таъсир қилади ва унда асл манбадагига қараганда бир қатор дискурсив фарқларни кўриш мумкин[1]. Бу борада Ван Дейк тўртта асосий стратегияни ишлаб чиқди: матнни танлаш, таржима қилиш, таҳрирлаш ва муаллифнинг ғоясини сақлаб қолиш[2]. Мазкур стратегиялар журналист-таржимонлар томонидан қуйидагича талқин қилинади:

Матнни танлаш. Хориждан олинган хабар ёки янгиликларни узатиш бу массмедианинг барча каналлари орқали амалга оширилади. Бунда журналист энг актуал, хоҳ у сиёсий мавзу бўлсин, хоҳ иқтисодий, муҳими, аудитория учун қизиқарли бўлган материалларни оммага етказишга ҳаракат қилади. Бунда матн элементларининг прагматик жиҳатларига эътибор қаратилади, чунки маъно сақланиши керак.

Матнни таржима қилиш. Журналистик матнларни таржима қилишдаги энг аввало дуч келинадиган муаммо бу материаллардаги кўпинча ихтисослаштирилган ва профессионал терминларнинг иштироки, қисқартмалар, жой номлари, иккинчи тилга «бегона» бўлган лексик бирликлар ва ҳоказоларнинг қўлланилишидадир. Моҳир мутахассис бу вазиятда терминларнинг изчил ва аниқ таржима қилинишини таъминлайди. Шунинг баробарида, ундан ўша давлатга тегишли бўлган жуғрофий жой номларини, маданий ва бошқа соҳага оид стереотипларни мукаммал билиш талаб этилади. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, таржимон таржимада ноаниқликларга йўл қўймайди, муаллиф фикрини ҳисобга олади.

Матнни таҳрирлаш. Ушбу стратегия орқали бир тилдан таржима қилинган иккинчи тил матни яратилади. Бунда контекстнинг маъноси тўлиқ сайқалланиши керак. Матнни таҳрирлаш стратегиясига контекстга таъсир қилувчи услуб сифатида қаралади. Таржима қилинган матн ғализликлардан ва хатолардан бартараф этилган бўлиши керак. Матнни таҳрирлашда таржимоннинг услуби муаллифнинг ғояси билан ҳамоҳанг бўлиши лозим. Дарвоқе, «матнни ўзгартириш, тўлдириш ва қайта ишлаш функционал жиҳатдан одатий таржиманинг матн лингвистикасига мослаштиришдан фарқ қилиниши керак»[3]. Демак, энг мукаммал таҳрир – услубий жиҳатдан тўлақонли ва маълумотларнинг аниқ ва ишончли бўлишини таъминлаши керак.

Муаллифнинг ғоясини сақлаб қолиш. Асл матн мазмунини яъни муаллифнинг нияти ва қарашларини таржимада тўлақонли тарзда талқин қилишнинг усуллари қанчалик кўп бўлса, таржима трансформацияларининг аҳамияти ҳам шунчалик ортиб боради. Ундаги лисоний хусусиятларнинг мавжудлиги, жумлаларнинг чуқур маънога эгалиги таржимон ишини бироз қийинлаштиради. Бу жараёнда таржимон ва муаллиф ҳамжиҳатликда ишлайди, ўзига хос ижодий ҳамкорлик юзага келади. Муаллиф етказган фактларга қатъий амал қилган ҳолда таржимон муаллиф фикрини адабий шаклга солади.

Шу ўринда, газета матнларининг жанрига қараб таржима қилиш ўзига хос хусусиятларига эга. Уларни таржима қилиш – ижтимоий-маданий ва мафкуравий контекстга, метахабарнинг етказилиши, маданий ва ўзига хос белгиларга асосланади.

Кўпинча мақоланинг таржимаси асл матндан сезиларли даражада фарқ қилади. Таржима матни баъзи сўзларнинг тўғридан-тўғри луғат маъноларида қўлланилишини рад этади. Шунингдек, тасвирий мазмуни ҳам муҳим даражада ўзгаради. Бироқ, услубнинг асосий хусусиятлари сақланиб қолиши керак. Лаконик ва қисқартирилган матн кўп даражали таклифлар билан «ўртоқлашмаслиги» керак, бу таклифлар зарурий маълумотларни ўз ичига олмайди. Аксинча, образли воситалар билан тўлдирилган матн таржимада оддий маълумот хабарига айланиши керак эмас.

Мураккаб лексик конструкцияларни турли хил таржима трансформациялари ёрдамида ўзгартириш ва бу ҳолда асл матннинг асосий мазмунини сақлаб қолиш муҳимдир.

В.Н.Комиссаров томонидан таклиф этилган таржима трансформациялари классификациясини кўриб чиқаймиз[4]:

Компенсация усули: Бу усул асл матн тил бирликларини унинг ғоявий-бадиий хусусиятига мувофиқ таржима тилидаги бошқа бир элемент билан алмаштиришдир. У интралингвистик маъноларни етказиш зарур бўлганда қўлланилади. «*The Premier was kicked from his office yesterday».* Ушбу мисолни биз тўғридан тўғри сўзма-сўз таржима қилсак, «Кеча Бош вазир ўз кабинетидан

[1] Bielsa, E., & Bassnett, S. (2009). Translation in global news. London: Routledge. – P.162.

[2] Van Dijk, T. A. (1988). News as discourse. Lawrence Erlbaum Associates. – P. 200.

[3] Vuorinen, E. (1994). Crossing cultural barriers in international news transmission: A translational approach. Selected Papers of the CETRA Research Seminars in Translation Studies. – P. 61.

[4] Комиссаров В.Н. (1973). Слово о переводе. – М.: Международные отношения. – 215 с.

ҳайдалган» деган маънони англатади. Бу каби таржимадаги ғализлик ва хато матннинг асл моҳиятини бузмоқда. Аслида гап мазмун жиҳатдан «Бош вазир кеча ўз лавозимидан кетди» деган маънода таржима қилинса, муаллифнинг индивидуал ғояси йўқолмаган бўлади.

Умумлаштириш усули: Бу усул лексик алмашиниш турларидан бири бўлиб, асл тилнинг бирлиги таржима тилида нисбатан кенгроқ маъно берадиган ва мос келадиган таржима техникаси ҳисобланади: *«Participants, many on the fringes of American politics, were «constantly calling for a strike, to attack, to enter, to defeat, to annex».* «Кўпчилик Америка сиёсатидан йироқ бўлган шахслар унга «доимий равишда зарба берувчи, ҳужум қилувчи, босқинчиликни амалга оширувчи, мағлуб қилувчи, бирор бир ҳудудни босиб олувшга ҳаракат қилувчи давлат сифатида қарашади». Бунда таржимон асл тилдаги сўз ва ибораларни кенгроқ тушунчалар билан алмаштирган.

Қўшиш усули: Бунда маъно унчалик ўзгармаган тарзда таржима тилида жумлалар қўшилади. «*What's the biggest learning experience you've had? Living,working and traveling around the world.I've lived and worked in the U.K., France, Singapore and the U.S., and I've worked extensively across every global region. I've also traveled to more than 60 countries for work or leisure.»* Сиздаги бой тажрибанинг асоси нима? Дунё бўйлаб яшаш, ишлаш ва саёҳат қилиш. Мен Буюк Британия, Франция, Сингапур, АҚШ ва бошқа глобал минтақаларда яшаб, ишлаганман. Мен дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатларида ҳам фаолият юритиб, ҳам саёҳат қилганман.

Аниқлаштириш усули: Бу усулда асл матндаги ғоя таржима қилинган матнда ўз аксини топиши керак. *«Chinese VCs «had studied at top U.S. colleges, worked at U.S. companies, and carefully absorbed the U.S. venture playbook: equity-only funds, stage-bystage financing, sleevesrolled-up involvement, and stock options for startup employees».* «Хитойлик венчур капиталистлари «АҚШнинг энг яхши коллежларида таҳсил олдилар, АҚШ компанияларида ишладилар ва акциядорлик фондларида ишлаш босқичма-босқич молиялаштириш жараёнларида фаол иштирок этиш, стартап лойиҳалардаги имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда АҚШнинг венчур капитали тизимини пухта ўзлаштириб олдилар».

Турли хил ўзгартиришлар киритиш усули: Асл маъносига таъсир қилмасдан, маънони қочирмасдан ўзгартириш киритиш. *«The White House announced the president signed the order in a tweet Wednesday. It didn't release additional documents referenced in the order».* «Оқ Уй чоршанба куни ўзининг Twitter саҳифасида президент томонидан имзоланган фармон ҳақида хабар берди. Фармонга тааллуқли бошқа қўшимча ҳужжатлар ҳақида маълумот берилмади».

Газета матннинг ахборот бериш ва коммуникатив таъсир кўрсатиш функциясининг мавжудлиги таржиманинг тўғрилигини сақлаб қолиш учун ҳам муҳимдир. Газетанинг икки асосий тамойили яъни стандарлик ва экспрессивлик тенденцияси ҳам таржимада муҳим ўрин тутади.

Газета матнида таржима трансформациялари тил бирликлари билан амалга оширилади, уларнинг мазмуни ва ифода режаси борлиги сабабли улар формал-семантик характерга эга бўлиб, асл бирликларнинг нафақат шаклини, балки маъносини ҳам ўзгартиради.

Таржима трансформациялари асл бирликлардан таржима бирликларига ўтиш учун ишлатиладиган ўзгаришлардир. Уларнинг мақсади, асл тил бирликларини мослаштириш орқали уларнинг маъносини бошқа тил эгаларига етказишдир. Ушбу трансформациялар, мазмун ва ифода шаклига эга бўлган тил бирликлари билан ишлашига кўра тавсифланади. Бу, таржима жараёнида асл тил бирликларининг нафақат шакли (грамматик ва синтактик тузилмалар), балки мазмуни (прагматик) ҳам ўзгартирилишини англатади.

Таржимани тасвирлаш жараёнида таржима трансформациялари тил бирликлари ва уларнинг луғавий мувофиқликлари ўртасидаги муносабатларни таҳлил қилиш воситаси сифатида эмас, балки динамик нуқтаи назардан, яъни таржимон турли асл матнни таржима қилишда ишлатиши мумкин бўлган усуллар сифатида кўриб чиқилади. Бу, айниқса, луғавий мувофиқлик мавжуд эмас ёки контекст шартлари туфайли фойдаланиш имкони бўлмаган ҳолатлар учун амал қилади.

Тил бирликларининг табиатига қараб, уларни таржима қилиш жараёнларида трансформациялар лексик ва грамматик трансформациялар сифатида таснифланади. Бу жараён таржима сифатини оширишга ва контекстдаги тўғри маънони етказишга ёрдам беради. Ушбу трансформациялар таржиманинг аниқ ва тушунарли бўлишини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Шу ва бошқа трансформацияларни қўллаш таржимоннинг асл матннинг маъносини сақлаб қолишига ва уни таржима қилинган тилнинг грамматик, лексик ва стилистик хусусиятларига мослаштиришга имкон беради.

Газета матнларини таржима қилишдаги трансформация хусусиятларини кўриб чиқамиз. Масалан, ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилинаётган газета сарлавҳаси кўпинча субъект + жараён + ҳаракат орқали ифодаланадиган жумлага

айлантирилади: «Мексикада фестивал тугади» – «Festival Closes in Mexico». Ушбу трансформациялар газета сарлавҳаларини таржима қилиш жараёнида маънони тўғри етказиш учун муҳимдир. «Шартноманинг имзоланиши» – «Contract Signed»; «Дурдона асарларнинг қайтиши» – «Masterpieces Returned» ва ҳ.к.

Бошқа ҳолларда, сарлавҳаларни таржима қилишда қўлланиладиган трансформациялар асосан морфологик шаклларга тааллуқлидир. Шундай қилиб, юқорида таъкидланган қонуниятга мувофиқ, ўзбек сарлавҳаларида ўтган замон шакллари инглиз тилига ҳозирги замон шакллари билан алмаштирилади: «Ёрдам вақтида етказилди» – «Aid comes in time».

Баъзан сарлавҳаларни таржима қилиш грамматик трансформациялардан ташқарига чиқишни талаб қилади. Масалан: «Токиодаги еттилик учрашувидан олдин» – «Seven To Meet in Tokyo».

Сарлавҳаларни таржима қилишда тез-тез семантик трансформациялар ҳам зарур бўлади. Бунда қисқа ва аниқ ифодалар кўпроқ ишлатилади ва таржимонга маълумотларни қатъий ва жозибадор шаклда етказиш заруратини келтириб чиқаради. Бундай трансформациялар орқали таржимон янгиликнинг муҳим нуқталарини сақлаб қолишга ҳаракат қилади, шу билан бирга, сарлавҳанинг газетхонлар учун жозибадорлигини таъминлайди.

Инглиз тилидаги матнда сарлавҳа – бу матннинг асосий мазмунининг энг қисқа шакли бўлиб, асосан, матннинг бир қисмига эътибор қаратадиган сигнал вазифасини ўтайди. Газета сарлавҳаларини таржима қилиш маъно талқинидаги ноаниқликлар, сарлавҳаларда ишлатиладиган лексик бирликлардаги фарқлар, экспрессив-стилистик омиллар ва матн билан сарлавҳа ўртасидаги маъно муносабатлари билан белгиланган.

Хулоса қилиб айтганда, газета дискурси ўзининг универсаллиги ва ахборотни етказиш, аудиторияга таъсир қилиш хусусиятлари билан ажралиб туради. Шунингдек, муаллифнинг шахсий лисоний диди ва унинг матн тайёрлашда тил бирликларини ўз ўрнига қўллай олиш қобилиятига эга бўлиши – газета материалларининг мазмундорлигини оширишда ва оммавий коммуникация иштирокчиларини жалб қилишда муҳим омил сифатида баҳоланади. Газета матнларини бир тилдан иккинчи тилга ўгиришда таржимоннинг асосий вазифаси контентни тўғри таржима қилиш ва муаллиф ғоясини аниқ ва ифодали тарзда газетхонга етказишдан иборатдир.

Резюме. Мақолада газета дискурсининг ўзига хос хусуситлари ва таржима трансформацияларининг воқеа-ҳодисаларни, хабар ва янгликларни таржима қилишдаги ўрни ва аҳамияти ёритилган. Шунингдек, таржима трансформацияларининг турлари, усуллари, асосий жиҳатлари ҳақида маълумотлар берилган.

Resume. The article reveals the features of newspaper discourse, as well as the role and significance of translation transformations in translating events, messages and news. It also provides information on the types, methods and main aspects of translation transformations.

Резюме. В статье раскрываются особенности газетного дискурса, а также роль и значение переводческих трансформаций при переводе событий, сообщений и новостей. Также дается информация о видах, методах и основных аспектах переводческих трансформаций.